



Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>t.me/farhaqiqati

30 АПРЕЛЬ

— Ўзбекистон Республикаси референдуми куни



ОВОЗ БЕРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

Фаргона вилоятида туман-шахарлар чегаралари инobatта олингани холда, фуқароларга кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида 1209 та референдум ўтказувчи участкалар тузилган бўлиб, уларнинг барчаси овоз беришга тахт этиб қўйилди. Референдум участкалари ҳарбий қисмлар, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам ташкил этилган.

Вилоят бўйича икки миллион нафардан ортиқ овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар бор. Уларнинг 103 минг 607 нафари мuddатидан олдин овоз бериб бўлди.

Шу ўринда эслатиб ўтамай,

референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунидан ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси муҳим сиёсий жараёнда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Референдумда овоз бериш эрталаб соат 8:00 дан соат 20:00 гача ўтказилади. Бюллетень фуқаро томонидан яширин овоз бериш кабиноси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз бериш бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган фуқаро ўз хошишига кўра, референдум ўтказувчи комиссия таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга

ҳақлидир.

Фуқаролар овоз бериш бюллетенида референдумга қўйилган масала бўйича ўзи овоз бераётган вариант рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга ўз хошиш-иродининг вариантлари "ҳа" ёки "йўқ" деб кўрсатилган квадратга "✓", "+", "х" белгиларидан бирини қўяди.

Тўлдирилган бюллетенни фуқаро овоз бериш кутисига ташлайди. Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра, янги билан алмаштирилиши мумкин.

Айрим фуқаролар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабаблар билан овоз бериш биносига кела олмаса, уларнинг илтимосига кўра, референдум ўтказувчи участка комиссияси



овоз беришни ана шу фуқаро турган жой бўйича, кўчма овоз бериш қутиларидан фойдаланиб ташкил этади.

Ҳурматли фарғоналиклар, мамлакатимиз тарихидаги

муҳим жараёнда фаол иштирок этайлик!

Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Референдум ўтказувчи
11-Фарғона округ
комиссияси раиси.

“ФАРҒОНА ВОДИЙСИ – АНАДОЛУ” ХАЛҚАРО ФОРУМИ:

Ислом Каримов номидаги театр ва концерт саройининг муҳташам залида Туркий давлатлар ўртасида темир йўл транспорт боғлиқлиги масалаларига бағишланган халқаро форум бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли тадбирда Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгаши аъзолари, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган хусусий сектор вакиллари иштирок этди.



ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Форумнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров минтақамизда биринчи бор ўтказилаётган бу форумнинг аҳамияти ва ундан кўзланган мақсадлар ҳақида сўз юритди. Транспорт ва коммуникация соҳасидаги ўзаро

боғлиқликни таъминлаш ва иқтисодий алоқаларнинг янада тараққий этиши ва Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг умумий ривожланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

– Тез ривожланиб бора-

ётган дунёда минтақа давлатлари билан биргаликда халқаро юк ташувлари жараёни янада энгиллаштириш, соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш ва ҳамкор давлатларнинг транзит салоҳиятини ошириш муҳим аҳамият касб эт-



моқда. Шунингдек, 2021 йил 12 ноябрь куни давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг 8-саммитидаги нутқида транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни тизимли асосда йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратди, – дейди Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби ўринбосари Мирвоҳид Азимов ўз маърузасида. – Ўйлаймизки, бугунги учрашувлардан сўнг нафақат келгусида ҳамкор давлатлар ўртасида транзит юк ташиш ҳажми ошади, балки Евроосиё қитъасининг барча мамлакатлари ривожланиши-

га фаол ҳисса қўшилади.

Қайд этиш жоизки, форум давомида ишбилармон доиралар вакиллари Марказий Осиё – Европа темир йўлларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини ошириш, юк ташишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари хусусида фикр алмашдилар. Шунингдек, давлат ва хусусий сектор вакиллари иштирокида В2В учрашувлари бўлиб ўтди.

**Муаттар
МАҲМУДОВА.**

Янгиланаётган Конституция:

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТ БУГУННИНГ ТАЛАБИ, ЭРТАНИНГ КАФОЛАТИДИР!

Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топган халқпарвар давлатни барпо этиш йўлидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш учун, авваломбор, янги конституциявий макон кераклигини барчамиз тушуниб турибмиз. Бош Қомусимиз бугунги реал воқеликка мос бўлсагина, у шиддат билан олиб борилаётган ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қила олади. Шунинг учун, халқимизнинг таклифлари асосида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси тайёрланди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон мамлакатимизнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда янги Конституцияни қабул қилиш арафасида турибмиз.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида илгари амал қилиб келган "давлат – жамият – инсон" тамойилини "инсон – жамият – давлат" деб ўзгартириш, яъни, энг аввало, инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш мақсад қилинган.

Янги Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари оид нормалар қарийб уч бараварга ортмоқда. Жумладан, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари уй-жой билан таъминланиши, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсонга муносиб яшашини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги белгиланмоқда.

Конституциявий қонун лойиҳасида педагог ходимларга оид қоидалар қайта кўриб чиқилди ва ўқитувчи касбига нисбатан юқсак ҳурматни ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутувчи алоҳида янги модда киритилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудидида олий юридик

кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши белгиланди.

21-моддага кўра, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.

23-моддада Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги қайд этилган.

28-моддага асосан, агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилгани ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Қисқача қилиб айтганда, Конституцияда аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, аёллар, нурунийлар, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар, хориждаги ватандошларимиз, ҳаттоки мажмулар – барча-барчанинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинмоқда.

Давлат ҳокимиятининг бир қатор лавозимларига нисбатан айна бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ушбу лавозимга сайланиши (тайинланиши) мумкин эмаслигига оид демократик қоида киритилмоқда.

Бундан ташқари, суд ҳокимиятининг чинакам ташкиллагани таъминлаш мақсадида, Судьялар Олий Кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизимини киритиш таклифи мавжуд.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, барча маса-



лалар референдумга, яъни халқимиз муҳокамасига, ҳукмига ҳавола этилмоқда. Тарихимизда илк маротаба Конституциянинг қабул қилиниши бевосита халқимизнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлган. Халқ овоз берганидан кейин қўшимча ҳужжатлар қабул қилиниши, Парламентда муҳокамадан ўтиши ва Президент томонидан имзоланишига зарурат бўлмайди. Демакки, янги таҳрирдаги Конституция бевосита халқ томонидан қабул қилиниб, тўғридан-тўғри амалга киритиладиган биринчи ҳужжат бўлади. Бунинг энг аҳамиятли томони, барчанинг овози бир хил мақомга ва кучга эга.

Биз халқимиз, мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа — 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдум арафасида турибмиз. Шу ўринда референдум ҳақида маълумот берадиган бўлсак, у — умумхалқ овоз бериш йўли билан қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шакли бўлиб, бевосита демократиянинг муҳим воситасидир.

Референдумнинг сайловлардан асосий фарқи шундаки, унда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки муайян масала — қонун, қонун лойиҳаси, Конституция, Конституцияга тузатишлар, мамлакат халқро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатга оид масала қўйилади.

Референдум натижалари фақат мажоритаризм (мутлақ кўпчилик овозини ҳисоблаш) тамойиллари асосидагина аниқланиши мумкин.

Азиз юртдошлар, мамлакатимиз, халқимиз тақдирига, эртанги кунига бефарқ бўлмайлик. Конституциявий ислохот — бугуннинг талаби, эртаннинг кафолатидир. Ишончимиз комилки, янгиланаётган Конституция юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлади.

Г.ХОЛМАТОВА,
Қўқон туманлараро иқтисодий судининг судьяси.
С.НУЪМОНОВ,
Марғилон шаҳар ИИБ ЖХХ ХПБ ВЕМБ инспектори.

БОЛАЛАР РИВОЖЛАНИШИГА ХАВФ СОЛУВЧИ МЕҲНАТ ШАКЛЛАРИ ТАҚИҚЛАНАДИ

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мажбурий меҳнатни тақиқлашга оид кенгайтирилган модда киритилмоқда, яъни амалдаги Конституциянинг 37-моддасида суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқлангани белгиланган бўлса, янги нормада болалар меҳнатини тақиқлаш ҳам қўшилмоқда. "Болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланади" (44-модда).

Ўзбекистонда инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Халқро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик қилиб, 14 та, жумладан, 8 та асосий, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенцияларни ратификация қилган.

Кейинги йилларда мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари қарши курашиш давлатимизнинг энг устувор вазифаларидан бирига айланди. Аҳолисининг 40 фоизини болалар ташкил қилган Ўзбекистон учун бу вазифа принципиал аҳамиятга эга эди. Президентимиз 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан туриб, Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнатининг ҳар қандай шакллари барҳам бериш чоралари кўрилиши тўғрисида гапирди. Шунингдек, 2021 йилда бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам бериш

устуворлигини яна бир бор таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтириб борилмоқда. Жумладан, 2018-2021 йилларда тегишли кодекс ва қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиқ тўғрисидаги талабларни бузиш ҳамда меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

Олиб борилган тизимли ишлар натижасида пахта йғим-терими ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларида, умуман барча соҳаларда болалар меҳнатидан фойдаланиш, айниқса, мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича олиб борилган тизимли ислохотлар натижасида Ўзбекистонда болаларнинг мажбурий меҳнати тўлиқ барҳам топди.

Эндиликда, бу борадаги давлат сиёсати конституциявий даражада мустақкамланаётгани алоҳида аҳамиятга молик. Янгиланаётган Конституциямизга

киритилаётган янги норма болаларни меҳнатнинг оғир шаклларида ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда, ушбу конституциявий норма болаларнинг соғлиғи, хавфсизлиги, тўлиқ жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига таҳдид солмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган тарзда меҳнат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Хусусан, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ, ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Болалар меҳнатига қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, шубҳасиз, Ўзбекистондаги ислохотлар муваффақиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, мамлакатнинг халқро нуфузи ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти суръатлари ўсишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Дилбар МАМАЖОНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Қишлоқларни яёв кезганда...

МЕХНАТДА ҚАЙРАЛГАН ҚАЙРАҒОЧЛИКЛАР

Риштон туманининг 150 йиллик тарихга эга "Қайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси асосан деҳқончилик билан шугулланади. Маҳаллада 3350 нафар аҳоли истиқомат қилади, улардан 1716 нафари аёллардан иборат. Агар оилада аёлнинг кайфияти яхши бўлса, ўша жойда бахт ҳукмрон бўлади, деганларидек, маҳалла хотин-қизлари ўз ҳаётидан рози.



Баҳорда қишлоқни яёв кезган одам хонадон бекаларини томорқада кетмон ёки теша кўтариб, экин-тикин ишлари билан андармон юрганига кўзи тушиши тайин.

Маҳалла фаолларидан бири Минаввар Тўйчиевани ҳам томорқасида ташкил қилинган иссиқхонада учратдик. Улар гарчи ҳамшира бўлса-да, баҳор келиши билан ерга ўзгача меҳр бериб, бўш турган майдонни яшилликка буркашга тушади. Суюги меҳнатда қотган онахоннинг уйдан харидорлар сира аримайди. Ҳозир ҳам иссиқхонада пишиб етилган бодринглар кўзни қувнатиб яшнаб турибди.

– Қишнинг қировли кунларида икки ўғлим билан кўмир ёқиб, бодринг кўчатининг

"Рекорд" навидан эккандик. 15 миллион сўм кредит олиб, томчилатиб сўғориш ускуналарини ўрнатганимиз эса ишимизни анча енгиллатди. Ҳозир харидорлар ҳосилимизни уйимиздан олиб кетишяпти, – дейди Минаввар опа.

"Қайрағоч" МФЙ раиси Валижон Маҳкамовнинг айтишича, 2023 йил маҳалла аҳлига жуда файзли келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, аҳолини қийнаб келаётган бир қанча муаммолар бартараф этилиб, маҳаллага ичимлик суви тармоғи тортилди. Янги



боғчалар қуриб битказилди. Мактаб қайтадан таъмирланди. Энг қувонарлиси, янги оилавий шифокорлик пункти фойдаланишга топширилгани бўлди. Шаҳар марказидан 15 километр узоқликда бўлган тиббиёт масканида бугун бар-

ча шароитлар яратилган.

"Қайрағоч" ва "Соҳибкор" маҳалла фуқаролар йиғинларининг 5000 нафардан ортиқ аҳолисига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлган муассасада йигирма нафарга яқин тиббиёт ходими ҳудуд аҳоли-

сининг саломатлигини сақлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида елиб-югурган.

Аёллар маслаҳатхонаси, эмлаш, муолажа хонаси, лаборатория, стационар хоналарнинг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани аҳолини хурсанд қилмоқда.

– Бу жойдаги эски бино 1970 йилда колхоз идораси сифатида қурилган эди. Унинг бузилиб, ўрнига кўркам ва обод бино қурилиши биз шифокорларга муносиб меҳнат шароитларида ишлаш имкониятини берди, – дейди оилавий шифокорлик пункти мудири Мухайё Мирзакаримова. – Президентимизнинг "Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг мутлақо янги механизмларини жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан маҳалла ва оилада тиббий хизмат кўрсатишнинг мутлақо янги тизими ташкил этилаётгани касалликларнинг олдини олиш билан бирга, аҳоли тиббий маданиятининг ўсишига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

Меҳнатда қайралган қайрағочликларнинг айтишича, қишлоққа қишда турп ейиш учун келиш керак экан. Чунки "Қайрағоч"нинг яхши сақланган турплари тилда дoston бўлиб, ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинади. Риштоннинг миришкор халқи билан суҳбатлашиб, меҳнат қилган элда азиз бўлишига яна бир қарра амин бўлдик.

“ИМКОНИАТИМ ЧЕКЛАНГАН БЎЛСА-ДА, ОРЗУЛАРИМ ЧЕКЛАНМАГАН!” дейди "Қайрағоч" маҳалласида яшовчи Мадинабону Исмоилова

Қишлоқнинг матонатли қизи билан суҳбатлашарканмиз, туйқус "қаттиқ ердан қаталаб чиққан бой-чечак" ҳаёлимизда гавдаланди. Ҳали тупроқ юзидан қор кетмай туриб, мардона очилган бинафшанинг кўзларини кўрдик бу қизнинг нигоҳларида.

– Баҳорни жуда яхши кўраман, – дейди у юзлари яшнаб. – Бу гулгун фаслда табиатнинг ажралмас қисми эканлигини ҳис қиласан. Дунёга кўклардек кўрк кўшгинг, лолалардек ял-ял ёниб гуллагинг келади. Ҳайрат тугёнлари ўз-ўзидан қалбингга ёпирилиб киради-ю, тилинг булбулдек сайрашга тушади. Шохларидан "қон"и қочган оғочлар-да бор кучини тўплаб яшил япроқ ёзишининг ўзи мўъжиза. Иродани қишдан омон чиққан ва яна яшашга аҳд қилган дарахтлардан ўрганиш мумкин. Мен шундай қиламан.

Мадинабонунинг имконияти



чекланган бўлишига қарамай, руҳий ва маънавий жиҳатдан анча илгарилаб кетганлигини сўзларидан илғаш қийин эмас. У айна пайтда 10-синфда таълим олади. Уйига келиб, таълим берадиган устозларининг айтишича, Мадинабону адабиёт ва инглиз тилини пухта ўзлаштиряпти. Унинг ўзбек ва жаҳон адаблари асарларидан хабардорлиги бизни ҳам ҳайратланттирди.

"Ўтқир Ҳошимов, Саид Аҳмаднинг асарларини ўқиган сарим, ёзувчиларни меҳрибон отамдек яхши кўриб кетаман. Одамнинг юрагини сўз билан забт этиш мумкинлигига иқроп бўламан. Китоб дардимга малҳами даво. Гарчи юриш имконидан маҳрум эсам-да, асар қаҳрамонлари билан хаёлан чопиб ўйнаган, даврани қиздириб рақсга тушган пайтларим кўп бўлган", дейди Ма-

динабону.

Онаси Шахлохон Сайдалиева тун-у кун қизи билан бирга. Унинг шукрона тўла қалбида фақат эзгу орзу-ниятлар бисёр. Узининг яқин қариндошига турмушга чиққан аёл бу синовни фарзандига меҳр бериб енгиб ўтди. Оллоҳга шукурки, кейинги дилбандларининг тўрт мучаси соппа-соғ. Уғли Риштон туманидаги ихтисослашган мактаб-интернатда ўқийди.

Кичик қизи эса эндигина 6 ёш. – Мадинабону – тўнғичим. Ундан умидларим катта. Сира нолимайман, – дейди онаизор. – Худойим ортиғи билан қобилият берган қизимга. Овози бирам ширалики, қўшиқ айтса, кўзларимга ёш келади.

Биз Мадинабонунинг чизган суратларини кўриб, ҳайратга тушдик. Бари рангларда яшашга иштиёқ, яшиллик, гўзал ҳиссиётлар барқ уриб турибди. Кўнглини қоғозга кўчириш учун ижодкордан катта иқтидор талаб қилиниши табиий. Мадинабонунинг қалбида шундай буюк мўъжизалар бор. Ва у ўша тилсимларни очиш учун тинимсиз изланишда.

У келажакда араб тили бўйича етук мутахассис бўлишни ният қилган.

Эндигина 17 ёшни қаршилаган Мадинабонунинг қалбидаги сакинат, кўзларидан тошиб турган меҳр-оқибат бутун оламни файзга тўлдириб, қишлоққа баҳорларни бошлаб келгандек туюлди бизга.

Гўзал ОХУНОВА.

ДЎКОНИНГИЗ НОМИНИНГ МАЪНОСИНИ ТУШУНТИРИБ БЕРСАНГИЗ...

Ёки давлат тилига эътиборсизлик
хақида баъзи мулоҳазалар

Бу ҳақда кўп ёзилган. Аммо натижа... Танқидий чиқишлар дўкандорларга қор қилмаса, на чора? Объектларга ном беришда давлат тили ва унинг имло қоидаларига риоя қилиш шарт эканлиги хусусида қайта-қайта ёзилаверади.

Эски мавзуда янги гаплар



Вилоятимиз маркази кун сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Кўп қаватли турар жойлар, савдо мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув ва тиббиёт муассасалари, корхона-ташкilotларнинг янги ва мухташам бинолари шаҳарга кўрк бағишлаб турибди. Бироқ шу ўринда андак хижолатли жойимиз борлигидан кўз юмолмаймиз. Боиси миллийликдан йироқ номлар, давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига зид реклама ва эълонлар кўзга эриш туюлади. Беихтиёр унинг ўзбекча таржимасини ўйлайсиз. Жуда гўзал атамани топасизу, нега шундай деб номламади экан, деган хаёлга борасиз. Фарғона шаҳрида жойлашган юзлаб турли-туман дўконларнинг пештоқи-га ҳашамдор қилиб осилган номлар шунчалар фаройибки, уларнинг маъносини тушуниш тугул, ўқишнинг ўзи бўлмайди. Ўзга тилда битилган, бироқ унинг ўзбекча таржимаси берилмаган, имловий хато ва пала-партиш ёзилган, унча-мунча одамнинг "тиши ўтмайдиган", айтишга қийналадиган ажнабий, шунингдек, умуман ҳеч қайси тилга тўғри келмайдиган, бошқача айтганда "ихтиро" қилинган ясама ва тушунарсиз сўзлар билан номланган объектлар шунчалар кўпки, айтиб адоғига етолмайсиз.

Ном танлашда худди "ким ўзар" бўлаётганга ўхшайди. Ха-

ридорни ўзига жалб этадиган ўзбекча атамалар қолиб, хорижий тилдаги сўзларни ном сифатида танлаш урфга кирди. Балки кимлардир буни замонавийликка йўяр. Лекин ҳамма нарсада меъёр бўлгани яхши. Сўзнинг маъноси нимани англатиши, тил қоидалари, одамлар бу атамани удралаб айта оладими-йўқми, бу масала иккинчи даражага тушиб қолгандек гўё. Бу – бир сўз билан давлат тилига эътиборсизлик деб аталади.

Аслида тилимизда жарангдор, харидорга хуш ёқадиغان, маъноли атамалар бисёрку! Шаҳарда кам бўлса-да, ўзбекча номланган дўконларни ҳам учратдик. "Лайло", "Гулбахор", "Гўзал", "Ораста", "Сунбула" ва ҳоказо. Қаранг, қандай чиройли! Афсуски, қарийб ҳар ўнтадан олтига савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчасининг номи ўзга тилда ёзилган ёки маъносини тушунишга қийналасиз.

Шаҳарнинг Алишер Навоий кўчасидаги "Мерхаба", "Колбасир", "Эфилле", "Smart Tech" деган номларга кўзингиз тушиб, ўйланиб қоласиз. Бундай номлар эса оз эмас.

– "Эфилле"нинг маъноси нима? – деб сўраймиз дўкон сотувчисидан.

– Тўғриси айтсам, билмайман. Биз яқинда олдиқ бу дўконни. Олдинги эгаси шу номи қўйган экан. Бирор маънони англатса керак-да.

"Колбасир" деб номланган дўконга кирдик. Сотувчи опа билан салом-олиқдан сўнг бу ном нимани англатишини тушунмаганимизни, билса айтиб беришини илтимос қилдик.

– Нимасини тушунмадингиз? Колбаса ва сир деганида. Иккала

сўздан қисқартириб олинган.

Мотуридий кўчасидаги уч қаватли бионинг пештоқи-да "Noneymoon" деган ёзувни кўриб, бу қандай бино эканлиги билан қизиқдик. Ичкарига кириб билсак, асал ва асал маҳсулотлари билан савдо қилинар экан. Табиийки, номнинг маъноси билан қизиқдик.

– "Асал оий" дегани, – тушунтирди ўзини мутахассис деб таништирган қиз.

– Ўзбекчада жуда чиройли жаранглар экан. Шу ном билан аталса бўлмайди-ми?

– Бўлмайди-да.

Соҳибқирон Темур кўчасидаги дўконларнинг номларини дафтарга имкон қадар ёзиб олдиқ. "Avtech", "Esfir", "Chickens", "Smaylik", "Exclusive", "Теремок", "King Hot-Dog", "Bbq Burgers", "Washshe", "Burger Bro", "Скарлет", "Мадам" ва ҳоказо. "BARJAM" деган реклама маъносини тушунмай турган эдик, остидаги изоҳдан фаҳмладик – "Барчаси жам" дегани экан. Ихтирога "қойил" қолмай илож йўқ. Бурҳониддин Марғинович кўчасидаги умумий овқатланиш шохобчасига "Safir", Аҳмад Фарғоний кўчасидаги дўконга "NROSA KBM" деб ном берилган. Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин.

Барча дўкандорларнинг ишларига омад ва барака тилаган ҳолда, айтмоқчимизки, ном қўйишда тил қоидаларига амал қилсак, айна муддао бўларди. Ана шунда харидорларнинг "Дўконингиз номининг маъносини тушунтириб берсангиз" дейишига асло ўрин қолмасди.

А. БОБОЖОНОВ.

СУВ ҚАДРИ

ёки Президент қарори асосида Фарғона вилоятининг чет маҳаллаларига тоза ичимлик суви тортиб олиб борилмоқда

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, дейдилар. Лекин сув қадрини Фарғона туманидаги "Шифокорлар" маҳалласи аҳолисидан сўранг.

– 1999 йилда қирга уй солиб кўчиб келганмиз. Ўшанда электр ҳам, газ ҳам йўқ эди. 2 йил бўлди газ, электр келди. Йўллар асфальтланди. Мана шу кунларда сув тармоқлари ҳам тортилди, – дейди хонадонлардан бирининг эгаси Ҳилола Турдиева. – Маҳалламизда 5 та кўп қаватли уйлар бўлиб, уларда 264 та хонадон бор. Ҳатто улар ҳам 400-500 метр пастда оқади-ган каналдан сув ташиб истеъмол қили шарди. Ўзбекистон расман тез ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олди. Албатта, илм-фан, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотик борасида ҳам анча илгариларини мамлакат. Аммо шу кунларгача ҳам ариқ, каналдан ташиб ёки ҳовлисида кудук қазиб сув ичаётганлар анча эди. Бугун мамлакатда бўлгани каби, Фарғона вилоятининг илгари тоза ичимлик суви бормаган маҳаллаларида иш қизғин. Кўча четидан хандақ қазиган техни-

калар, юқори босимга чидамли сув қувурларини ташлаб, пайванд қилинаётганини кузатиш мумкин. Бу сўзларни айтиш қанчалик ачинарли бўлмасин, ҳалигача тоза ичимлик сувига муҳтож чет қишлоқ, чет маҳалла, чет кўчалар аҳолисига энди-энди сув тармоқлари тортилмоқда. Бундай ўта муҳим ва савобли иш Ўзбекистон Президентининг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда. – Қарор ижроси юзасидан 31 километр ичимлик суви тармоғи ётқизилиб, шунинг эвазига 21 мингдан ортиқ аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади, – дейди "Фарғонасувтаъминот" МЧЖ Фарғона туман бўлими бошлиғи Абдубанно Тешабоев. – Бу ишларни бажаришда Президент қарори асосида 12 миллиард сўм маблағ

ажратилган. Бу рақамлар биргина Фарғона туманига тааллуқли холос. "Шифокорлар" маҳалласига қайтсак. У тоғ ёнбағридаги қир-адирларда жойлашган. Табиийки, бундай тепалиқда тоза оқин сув ҳам йўқ эди. Президент қароридан сўнг маҳаллага гўё "фаровон ҳаёт" кириб келди. Одамларнинг кайфияти ўзгарди. Қишлоқ аҳолиси инсон қадрини юқори поғонага қўйган давлат ва унинг раҳбарини дуо қиладиган бўлди. – Неча йиллардан буён тоза ичимлик сувини орзу қилардик. Юртбошимизнинг қарорлари билан кўчаларимизга сув тармоқлари тортилди, – дейди Фарғона туманидаги "Шифокорлар" МФЙ оқсоқоли Холхўжа Искандаров. – 3 та бўлоғимиз бор эди. Уни бирлаштирдилар. Ундан сув тортиб, қирдаги уйларгача олиб чиқарди. Илгари каналдан сув ичардик. Эрталабдан сув тозалигида



ташиб олардик. Ҳаёт шу-да, деб кўнликкан маҳалла аҳли турмуш тарзида ўзгариш рўй бермоқда. Маҳалладаги 1012 та хонадон, 3618 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳудудга 250 кубометр хажмли 2 та сув

иншооти қурилди. – Ҳудудга 10 минг метрдан зиёд ичимлик сув тармоғи тортилди. Аҳолини сув билан таъминлаш учун 5 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди, – дейди Абдубанно Тешабоев. "Фарғонасувтаъминот"

МЧЖ мутахассислари иш бошида, амалга оширилган лойиҳаларни бирма-бир кўриб, қабул қилиб олмақдалар.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

МАДАНИЙ БУЮМЛАР ХАЛҚ МУЛКИДИР

Мавжуд маълумотлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда давлат музей-қўриқхоналари, давлат музейи ва бошқа объектлардаги маданий бойликларнинг қалбақлаштирилиши, талон-тарож қилиниши ҳамда уларни чет давлатларга ноқонуний олиб чиқиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Музейларда хизматлар соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, барча музейлардаги ашёлар ва коллекцияларни, шунингдек, бошқа фондлардаги маданий бойликлар инвентаризациядан ўтказилганда маълум бўлдики, республика бўйича 14 та музейда 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлар талон-тарож қилинган. Божхона органларига қонун устуворлигини таъминлаш юзасидан бир қанча вазифалар белгиланган бўлиб, жумладан, маданий бойликларни мамлакатимиздан олиб чиқиши ва олиб кирилишини давлат томонидан тартибга солинишида давлат божхона қўмитаси ваколатли орган сифатида белгиланган.

Давлат божхона қўмитасининг "Божхона қонунбузарлик ҳолатлари ҳисобини юритиш" ААТ дастуридан олинган маълумотлар таҳлилига кўра, 2019 йилда 2 575,5 млн. сўмлик 2166 та, 2020 йилда 95,1 млн. сўмлик 373

та, 2021 йилда 281,9 млн. сўмлик 1669 та ва 2022 йилда 554,4 млн. сўмлик 1669 та маданий бойликларни божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган. Албатта, ҳолатлар юзасидан маъмурий ва жиноят ишлари кўзғатилган.

Бундан ташқари, давлатимиз чегарасидан ноқонуний олиб чиқишда аниқланган товарлар асосан 20 аснинг 50-70-йиллари оралиғида собиқ совет иттифоқи ҳаётига оид маиший техника, уй-хўжалик моллари, қадимий тангалар, тарихий буюмлар, мис, кумуш, тилла заргарлик буюмлари, тарихий китоблар, санъат асарларини ташкил этмоқда.

Халқимиз тарихидан бизга маданий мерос бўлиб қолган барча ашё-ю далиллар, қўлёзма дурдоналари-ю, меъморий обидаларни, миллий қадр-ятларимизнинг асоси бўлмиш буюмларни асраш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Б.СИРОЖИДИНОВ,
"Қўқон" ТИФ божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти.

Мамлакатимизда кейинги йилларда судларни демократлаштириш, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

эса аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни кўрсатмоқда.

Шу боис, мазкур Фармон билан 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга

судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш каби масалалар устувор вазифалар этиб белгиланди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ СУД”

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-11 ҳамда "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари имзоланди.

Мазкур Фармонлар билан суд-ҳуқуқ ислохотлари суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш имконини берувчи "Янги Ўзбекистон — янги суд" тамойили жорий қилинди. Бу

олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланди.

Стратегия доирасида "Инсон қадри учун" ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўйбага чиқариш,

Фуқароларимизнинг таянчи, таъбир жоиз бўлса, охириги кўрғони ҳисобланган одил судловни амалга оширувчи тизим кечаги кун билан яшаши мумкин эмаслиги, ишимизга теран кўз билан назар солишимиз шартлигини, холислик ва шаффофликни таъминлашимизни давр тақозо этмоқда.

Ана шу устувор вазифаларга эришиш учун Бош Қомусимизга, амалдаги процессуал кодексларга ҳамда моддий ҳуқуқ нормаларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Суд тизимида юз берадиган барча ўзгаришлар, биринчи навбатда, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини адолатли ҳимоя қилишга, одил судловни амалга ошириш чоғида судьялар фаолиятига аралашшига чек қўйишга хизмат қилади.

Шокиржон МИРЗАМатов,
Риштон туманлараро иқтисодий суди судьяси.

Кўнгилдан ўтган қатрлар

МУМТОЗ ДУНЁ

Кўнгил – тубсиз-чегарасиз бу ёруғ дунёдан ҳам кўра чексиз, нозик ва инжиқ бир мумтоз дунёдир.

Бу ёруғ дунё, табиат совиса, аввалгидай яна қайта исийди, аммо кўнгил совиса, яна қайтиб, аввалгидай исиши даргумондир.

Шунинг учун кўнгил дунёси сарҳадига яқинлашдингизми, ҳушёр тортинг...

МАНСУБЛИК ЮКИ

Буюк аждодларга мансублигимизни айтиб, кўкракка урамиз. Бу – яши.

Аммо буюк аждодларга муносиб яшамасак, бизнинг уларга ҳеч қанақа алоқамиз йўқдек. Чунки номуносиблик

билан уларнинг руҳларини чирқиллатиб қўямиз.

Бу гап бошимиздан оёғимизга довр – Ҳаммамизга бирдай тааллуқлидир...

НАФС

Нафсингизни жиловлаш, тўғри йўлга солиш – оғир иш. Аммо бунга эришишнинг бирқадар осон ва қатъий усули бор: сиз ўз нафсингизни сиздан айро, ажралган, мустақил ва холис бир тирик одам, деб билинг. Сиз уни ўғил-қиз ёки бошқа жигарларингиздай кўринг. Унинг нотайин ишларини кўрганда, аяманг, танбех беринг, қаттиқ жазоланг. Кўз

ёшларидан юшаманг. Азоблансин! Азоблансин, риёзат чексин ва ўз хою-ҳавасидан қайтсин...

Аммо билингки, ўзингизга осон бўлмайди. Яъни, нафсингизни банди этмоқ учун шайтон билан Раҳмонни фарқлай оладиган рутбага етишган бўлишингиз шарт.

Бу – дарахтнинг ўзингиз турган чирик шохини кесиш мисоли, бир қарашда, аҳмоқона, шу билан бирга, хайрли ишдир.

БИР "СОПОЛ"МИЗ

Эндигина онги ёришган болакайдан тортиб, то тўқсондан ошиб, юзга тўқинаёзган қариягача, ҳаммамиз "Одамзот лойдан барпо бўлган", деймиз.

Шундай ёзилган, бизга шундай ўқитишган, ўргатишган. Аммо барчамиз феълан кулоллиқни даъво қилаверамиз. Яъни, ўтрўмиздаги "одам" – лойдан

бошқача, ўзимиз ўйлаганда "одам" яшашга интиламиз. Шу ниятда одамларга зулм, ҳатто, уруш қилишдан-да тоймаймиз. Мана, дунё ва одам хароблиги нимадан бошланади.

Чин кулол бошқа, биз – ҳаммамиз Унинг қўлида лой эдик, холос. Ҳозир эса муайян, мумтоз шакл берилган бир "сопол"миз. Сопол – мўрт нарсаси, у шу шаклу шамойилда собит, ўзгартирмоқчи бўлинса, синади.

"ТОШ ОДАМ"

Орамизда тош одамлар кўп. Катта идорага кираётиб эшик тагида бир адолатпешани учратиш, оқибатлашиб қолдим. Қўлтиғига папками-ей кистириб олибди. Дафъатан ичкаридан дакан хўроздай кеккайган амалдор чиқиб келди, адолатпешани кўриб, бетидан қон қочди.

– Биз билан бўлмаган – биз билан

бўлмайди, агарчи у икки карра ҳақ бўлса ҳам. Чунки биз арбоб – давлатти одамимиз, шуни кулоққа қўйиб олинг, домла! – деди амалдор адолатпешага қарата очик-урён ва сўрашмоққа қўл чўзаётиб муддаога ўтди. – Етим-есир, яримжонларга қарамаепти, деб ёзибсиз, нима, биров уларни етим ё ногирон бўл, деб мажбурлаппи?.. Қочинг йўлимдан-э...

Узатган қўлига кафт қўйдим, ажаб, амалдорнинг қўли этни жунжиктирар даражада муз-муз эди.

ОДАМ ОДАМГА – "БЎРИ"

Биров "бўри"ликни очикчасига қилади, биров кулиб туриб, бирови масхараб ё ғийбатлаб, бошқаси дўстлик ёки ишқ чопонини елкасига илиб, бир навъи шакарнайлик билан. Шакли ҳар хилу, мазмун-моҳияти бир хил – ғажаш.

Одамни бўрига менгзаб, бир ҳайвонга жавр қилдим-ов.

Бўри мард, ёвқур, чапани жонивор, у масалани "эркакча"сига ҳал қилади.

Ҳартугул, у бўрига бўрилиқ қилмайди, ўз зотининг зўрига тан беради-да.

ТИМСОҲ ВА ҚЎТОС

Бир пода қўтос дарё қирғоғига келиб, сувлана бошлади. Буни кўрган тимсоҳ бутун танасини сувга чўмиб, тумшугининг учини чиқарган қўйи булар тарафга пусиб сузиб келаверди. Камоли чанқаган пода бу айёрона хавфни сезганим йўқ.

Тимсоҳ подага жудаям яқин келди-да, шиддат билан чоғроқ бир қўтосга зарба берди, йикитди ва олд ўнг оёғидан жон-жаҳд-ла тишлаб олди. Тимсоҳнинг белдан тепаси қуруқликда, қўтосча ҳар-

чанд уринса ҳам унинг санжоб тишларидан халос бўлолмасди.

Пода-чи, дерсиз. Илк ҳамла чоғидаёқ бари ваҳимага тушган ва тумтарақай қочган эди, йигирма-ўттиз одимлар наридан кулоқларини чимириб, ел-питиб, тигдор қайрилма шохларини сарак - сараклатиб, бир қондошининг ҳаёт-мамотини беқайғу томоша қилиб туришарди.

Раҳимжон МИРЗО,
Бешариқ.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Яна Ер сесканди.. яна бир қалқди,
Ҳиндикуш тарафда офат ўчоғи.
Кўзин очгайми деб бу дунё аҳли
Боболарим руҳи безовта, чоғи..

Эгар болиш бўлган марди майдонлар
Бугунги жанглари қузатар ханг-манг.
Дараларга вулқон солар афғонлар,
Ахир бу урушмас, фитна-ю найранг!

Ҳозиқ табибларнинг бошлари эгик,
Луқмонлар ҳайратда замонга қараб:
"Биз гиёҳдан малҳам кашф этган эдик,
Булар захри қотил тайёрлар, ё Раб!"

Иймон қалқонлари – муҳаддисларим
Жойнамоз устида тавфиқ сўрайди.
Бобуршоҳ суғуриб қиличин ярим,
Кафтини соябон қилиб қарайди.

Мавлоно Лутфийга боқар Алишер,
Заминдан кўз олмас маликул калом,
Нечун титрамасин ахир она Ер,
Яъжуж-маъжужларга сиғинар авом.

Шариф мазорларда қарқираган қон
Замин жавҳарига етдимикин ё?
Бир буюк ларзадан яралган жаҳон
Бир буюк ларзадан бўлгайми адо?

Дунёни уйғотган боболар уйғоқ,
Оламни қутқарар буюк силсила.
Эй Одам, оҳиста қўй ерга оёк,
Ҳали тўхтаган йўқ сўнгги зилзила...

Абу Али ибн Сино
ҳақида икки ривоят

УЗУК ВОҚЕАСИ

Абу Али ибн Сино чақалоқлигида онаси уни чўмилтираётиб қимматбаҳо узугини йўқотиб қўйибди. Кўп қидиришибди, лекин ҳеч қаердан топилмабди. Шундан кейин узукни канизак олган деб гумон қилиб, уни роса калтаклашибди. Шу пайтда Абу Али йиғлай бошлабди, калтаклашдан тўхташса, чақалоқ йиғидан тўхтабди. Ҳамма бундан ажабланиб, узукни қидиришдан воз кечишибди.

Ибн Сино тилга кирганида, шу гапни айтибди:

– Сизлар ўша вақтда канизакни ноҳақ урган эдинглар. Онам мени чўмилтираётганда узуги тоғорага тушиб кетган эди. У тоғорани ағдарганида узук сув билан бирга кир ўрага тушиб кетган. Канизакни урганингларида йиғлаб, тўхтаганларингда йиғламай қолганимнинг сабаби шу эди.

Шундан кейин ўрани кавлашган экан, узук топилибди. Бу воқеани эшитгану билганлар Ибн Сино зехнига қойил қолишган экан.

«МЕН ҲЎКИЗМАН»

Бухоролик бир киши касал бўлиб, "Мен ҳўкирман, мени сўйинглар", дейдиган бўлиб қолибди. Касалнинг қариндош-уруғлари бунга Абу Али ибн Синога айтишибди. Буюк табиб беморнинг олдига гўёки қассоб сифатида келибди ва "Қани сўйиладиган ҳўкизинглари!", деб бақарибди. Шу пайтда бемор унинг олдига чопиб бориб, "Сўйиладиган ҳўкиз менман", дебди.

Абу Али дарров беморнинг қўл-оёғини боғлатибди, сўнг унинг биқинидан ушлаб кўрибди-да:

— Ҳўкизимиз семиз демабидиларинг, бу жуда ориқ-ку, ҳозир сўймайман, сал семирсин, — дебди.

Бемор бу гапни эшитиб, "Менга овқат беринглари, бироз семирай" дея таом талаб қилаверибди.

Абу Али ибн Сино беморнинг оиласига дори қолдириб, уни овқатга қўшиб беришларини ўқтирибди. Уйдагилар шундай қилишибди. На-тижада кўп ўтмай бемор тузалиб кетибди. Кейинчалик тиб илмининг билимдони беморнинг уйига келиб:

— Семирган ҳўкизинглари қани, сўйиб берай, — дебди ва шу пайт соғайган беморга кўзи тушибди. — Э, анча семирабсан-ку, энди сўйса бўлади.

Бемор табибнинг гапидан жуда таажжубланибди.

— Мени сўядиганингни боши ўнта, қани тегиб кўрчи! — дея дўқ урибди.

Оила аъзолари аввалги воқеани эслаб кулиб юборишибди...

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тўплаган.

Фарғона вилояти
бош имом-хатиби
Убайдулло хожи
АБДУЛЛАЕВ
тахрири
остида

Жума
сабоқлари



ХАЙРУ ЭҲСОН – МУСУЛМОНЛАРНИНГ ГЎЗАЛ СИФАТИ

Маълумки, Аллоҳ таоло берган барча нарсалар бизларга омонат бўлганидек, молу давлатимиз ҳам омонатдир. Аллоҳ берган бу молу давлатни ўзи буюрган ва рози бўладиган жойларга сарфлашимиз айти мудаодир.

Хайру эҳсон ва садақа қилишда пешқадам, барча эзгу ишларда имкон қадар кўмакчи ҳамда ҳомий бўлишга ҳаракат қилиш – мусулмоннинг энг гўзал сифатларидан бири ҳисобланади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг жуда кўп оятларида хайр-эҳсоннинг савоби кўплиги ва фазилати улканлиги ҳақида марҳамат қилади. Жумладан, Оли Имрон сурасида шундай деган: “Суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизгача сира яхшиликка (жаннатга) эриша олмайсизлар. Ниманики эҳсон қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билувчидир” (Оли Имрон сураси, 92-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўта саховатли, инфоқ қилувчи, олижаноб, очикқўл ҳамда кўп садақа берувчи, ҳушфеъл, ёрдам сўраб келганларга ёрдамлари-ю, кўмакларини аймайдиган киши эдилар.

У зот бирор муҳтож ё тиланчи, ёки бечора инсонларнинг эҳтиёжларини раво қилмай қўймас эдилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузурларидаги бирор таом ёки ичимлик, ё матонинг тугаб қолишидан ҳам қўрқмас эдилар. Шубҳасиз, барча нарсаларни ҳадея ва ёрдам тариқасида бериб юборардилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шундай ахлоқлари, яъни ўзaro ҳамдардликлари, қўллаб-қувватлашлари, меҳрибонликлари, ўзгалардан ҳол сўрашлари, биродарлик ва меҳр-муруватлари доимо у зотда мужассам эди.

У зот алайҳиссаломнинг шундай гўзал хислатлари Рамазон ойида яна ҳам ортик ва зиёда бўларди. Очикқўллик, саховатпешалик ва хайр-эҳсон қилишда порлаб турган юлдуз эдилар. У киши буюрилган ибодатларнинг барчасини кўп адо қилардилар.

Ҳақиқатан, бирор кишига бир нарсани эҳсон қилсангиз ёки унга бирор яхшилик кўрсатсангиз, бундан дилингиз равшан тартади, руҳий хотиржамлик юзага келади, ўзгаларга манфаат етказганингиздан хурсанд бўласиз.



Хусниддин ТУРСУНЗОДА,
Фарғона шаҳар “Ҳўжамбердибой”
масжиди имом-хатиби

Эҳсон қилинган киши ҳам ўзига кўрсатилган яхшиликдан севинади, дилида сизга муҳаббат пайдо бўлади, агар сизга ичида сақлаб юрган кеки бўлса унутлади. Шу тариқа жамиятда кишилар ўртасида тотувлик, ҳурмат-эҳтиром пайдо бўлади, душманчиликлар барҳам топади, осойишталик ва фароғат барқарор бўлади. Энг асосийси, кимга яхшилик қилсангиз, Аллоҳ таоло уни ўзингизга ўн баробар қилиб қайтаради. Чунки Парвардигорнинг бундай ваъдаси бор: “Кимки (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (қўпайтириб) эзилур”. Кимки (бир) ёмон (ғуноҳ иш) қилса, фақат ўша (ғуноҳ) миқдоридан (бир ғуноҳга яраша) жазоланур. Уларга ноҳақлик қилинмаган” (Анъом сураси, 160-оят).

Инфоқ-эҳсон қилишнинг савоби борасида ҳадиси шарифларда ҳам жуда кўп маълумотлар бор. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ким бир мўминдан дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло қиёмат куни унинг машаққатларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунё-ю охирада ишларини енгиллатади. Ким бир мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ унинг айбини дунё-ю охирада беркитади, модомики, киши биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ уни ёрдамидадир” (Имом Термизий ривоятлари).

Бугунги кунда давлатимиз, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан фуқароларни, шу жумладан, кам таъминланган оилалар, имконияти чекланган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, кексалар, яқка-ёлғизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотганларга ва етимларга ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда.

Биз ўзимиз яшаётган маҳаллада кам таъминланган оилаларни, боқувчисини йўқотган фуқароларни ва ёлғиз кексаларни яхши биламиз. Уларга қўлимиздан келганича моддий ёрдамларимизни кўрсатиб, Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажру савобларга эга бўлайлик.

КОСОНСОЙЛИК ЎҚУВЧИЛАР ФАРҒОНАДА САЁХАТДА БЎЛИШДИ

Наманган вилоятининг Косонсой туманидаги мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 42-умумтаълим мактаби «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти томонидан оталиққа олинган. Мазкур корхона ўқув йили давомида мактабнинг биология ва кимё хоналарини замонавий усулда таъмирдан чиқариб, сўнгги русумдаги лаборатория жиҳозлари ва ўқув қуроллари билан таъминлади.

Ўтган ҳафтада мактабнинг 30 нафар ўқувчиси ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи Муҳиддин Имомадиев ва биология ўқитувчиси Абдорхон Жаъфаров бошчилигида Фарғона вилоятининг диққатга сазовор жойларига саёхат қилишди. Жумладан, ўқувчилар Фарғона тарихи ва маданияти давлат музейи, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ҳамда Аҳмад Фарғоний номидаги истироҳат боғида бўлишди. Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабига қи-

линган сафар чоғида ўқувчилар мазкур мактабда иқтидорли тенгдошлари учун яратилган шароитлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мактабимиз ўқувчилари мазкур саёхатдан бир олам таассуротлар билан қайтишди.

**Мирсайфулло
МИРТУСУНОВ,
мактаб директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича ўринбосари.**

ЯНГИ ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН



Юртимизда ўзбек мақом санъатининг ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда раванк топтириш, унинг “олтин фонди”ни яратиш ҳамда бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда ташкил этилиб, мақом хонандалиги ва созандалиги йўналишларида фаолият юритиб келаётган Фарғона ихтисослаштирилган мақом мактабида айти мақсадларнинг рўёбга ошаётганини кўриш мумкин.

Танлов асосида ўқишга қабул қилинган ёш санъатсевар ўқувчиларга узоқ йиллик тажрибага эга бўлган устозлар мақом сабоқларидан дарс беришади. Таъкидлаш кераки, ўтган муддат давомида кўплаб миллий ва халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, ғолибликни қўлга киритаётган иқтидор эгалари сафи кенгайиб бормоқда. Туркия давлати билан ҳамкорликда ўтказилган “Kalb” онлайн кўрик-танловида 9-синф ўқувчиси Қосимжон Исроилов гран-при соҳиби бўлгани, мактабнинг “Дилнаво” дуторчи қизлар ансамбли эса биринчи ўринни қўлга киритгани, айниқса, бизни жуда қувонтирди. Демак, машаққатли

меҳнатлар бесамар кетмаяпти, тажриба ва машқ уйғунлиги самара бераёттир.

Мақом мактабида най синфи ўқитувчиси Халилulloҳ Мирзахўжаев ва қашқар рубоби синфи ўқитувчиси Ҳазратали Аъзамов сингари ёш, иқтидорли педагоглар талайгина. Улар яқинда Юнус Ражабий номидаги республика кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ва иккинчи ўринларга, мактаб ўқитувчилари ансамбли эса биринчи ўринга муносиб кўрилди.

**Шаҳнозахон ТИЛЛАЗАРОВА,
Фарғона ихтисослаштирилган
мақом мактабининг дутор синфи
ўқитувчиси.**



**Қилмиш-қидирмиш
ТЕКИН ЛУҚМА
ТАТИМАС**

Асли Ўзбекистон туманилик У. А. пул топиш, даромад орттириш мақсадида Фарғона шаҳрига келиб, вилоят марказидаги ошхоналардан бирига ишга кирди. Аммо атиги уч ой ишлай олди холос. Чунки тер тўкиб “чой-чақа” топишдан кўра, текин луқмани афзал билди.

Ўзганинг мулкни яширин равишда талон-тарож қилишни мақсад қилган ёш йигит шаҳар марказини кезиб юриб, “Самсунг” номли дўкон олдидан чиқиб қолди. Бу ерда телефон аппаратлари сотиларди. У расталардан бирининг сотувчиси йўқлигини режасини амалга оширишнинг қулай фурсати деб билиб, қўли етадиган жойда турган қиймати 3 000 000 сўмлик “Самсунг А52” русумли телефон аппаратини ўғирлаб чиқиб кетди.

Дўкондан яширинча олиб чиқилган телефонни Марғилон шаҳридаги “Ойгул” номли савдо дўкони сотувчиси С.Турғунбоевга 2 100 000 сўмга сотиб юборди ва жиноий йўл билан топилган пулларни ўз эҳтиёжи учун сарфлади.

Дастлабки текин даромад У. А.га мойдек ёқиб тушди. У орадан ўн кун ўтиб, жиноий хатти-ҳаракатини давом эттирди. Бу сафар “Артел” номли уяли телефон аппаратлари сотадиган дўконга бош суқди. Шу куни ҳафтанинг жумаси бўлганлиги боис, баъзи раста сотувчилари соат 12:30 ларда жума намозини ўқиш учун масжидга чиқиб кетишганди.

Бундан фойдаланган “ишбилги йигит” сотувчи А.Мамадалиева тегишли нархи 850 АҚШ доллари бўлган “Самсунг С21 ультра” русумли телефонни яширинча кассасига урди. Аввалгидек, Марғилон шаҳрига бориб, фуқаро А.Абдулазизовга арзон-гаровга – 325 АҚШ долларида пуллади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида У. А. қўлга олинди. Ўғирланган телефон аппаратлари эгаларига қайтарилди. Аммо, кейинги пушаймон асқотмади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ҳукми билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган У. А.га 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

**Мавлудахон ЖАЛОЛОВА,
Фарғона шаҳар Ички ишлар
органлари фаолиятини муво-
фиқлаштириш бошқармаси
хузуридаги тергов бўлими
суриштирувчиси, капитан.**

МАЛИНАГА МЕХР ҚҲҲИИБ...

Миришкорлар ҳақида ҳикоялар

Тупроқ ва иқлим шароитига жуда мослиги сабабли малиначилик Фарғона тумани аҳолиси томорқаларида жуда кенг тарқалган. Водилдаги 5600 та хонадон ҳамда фермер хўжалиklarининг 500 гектардан ортиқ майдони малиназор бўлиб, ҳар йили 4 минг тоннадан кўпроқ ҳосил етиштирилмоқда.



Етмиш икки ёшни қаршилаган Муҳаммаджон ота Эгамбердиев ҳам 12 йилдан бери малина экинни парваришлайди. Дастлабки йили 35 сотихдан иборат майдоннинг 5 сотихига, кейинги йилларда эса 10 сотихдан ерга малина кўчатларини ўтказиб, 3 йилда малиназорни 25 сотихга етказди. Кўчат қаторлари орасига маккажўхори ва помидор экиб, ундан келган даромад ҳисобига малина учун темир-бетон таянч ва бошқа харажатларни қоплади.

– Малина йилда икки марта мева бериб, биринчи терим май ойининг охиридан июлнинг бошларигача, иккинчи терим эса август ойининг сўнгги кунларидан то октябргача давом этади. Ўтган йили биринчи мавсумдан 18 миллион, иккинчисидан эса 22

миллион сўм даромад қилдик, – дейди Муҳаммаджон ота.

Унинг айтишича, деҳқончиликнинг бу соҳаси деҳқондан алоҳида эътибор, меҳнат ва сабр талаб қилади. Худуднинг асосий ихтисослашуви малиначилик эканлигининг сабаби нафақат аҳолининг меҳнатсеварлиги, балки салқин ҳаво, муздек сув ва тупроқ унумдорлиги, қолаверса, бу соҳада тажрибали малина етиштирувчи миришкорларнинг кўплигидир.

– Болалигимда ҳовлимизда 2 сотих ерда малиназор бор эди, – дейди отахон. – Отам ўқитувчи бўлиб, у пайтларда иш ҳақи кам бўлганлиги боис, деҳқончилик ҳам қилишарди. Шу озгина майдондаги малинадан ҳам яхши ҳосил олар эдик. Кейинчалик ўзим ер

олиб, малина парваришига қизиқдим. Йилдан-йилга мўл ҳосил етиштирдим. Шунинг ортидан иморат солдим, фарзандларим ва набираларимни ўқитдим. Малиначилик қўшимча даромад сифатида катта моддий ёрдам бўлди.

Муҳаммаджон Эгамбердиевнинг оила аъзолари малиначиликка меҳр қўйган. Набираларини ҳам бу соҳага қизиқтириб улгурган. Улар бўш вақтларини, таътил кунларини малиназорда ўтказишади.

Қаҳрамонимиз тенгдошларидан даядиллиги, бақувватлиги билан ажралиб туради. Уни қўрганлар эллик ёшлар чамаси баҳолайди. Хўжалигида мол-қўй, қуён боқади. Боғидаги 60 туп олма ва бошқа меваларга меҳр билан ишлов беради. Пишиб етилган олмаларни

ички бозордан ташқари, қўни-қўшни, қавм-қариндош ва таниш-билишларига тарқатади. Наъматак етиштириб, ундан йилига 5-6 миллион сўм даромад қилади. Боғ четида аҳоли учун дам олиш маскани ҳам ташкил этган. Бу ер ҳамиша ҳордиқ чиқарувчилар билан гавжум бўлади.

– Кўчатларни ўз фарзандимдай кўрман. Уларга меҳр бераман, авайлаб парваришлайман. Шу боис, улар ҳам мўл ҳосили билан сийлайди. Ёшлар ҳеч қачон меҳнатдан қочмаслиги керак. Ҳар қандай ишни астойдил, чин кўнгилдан бажарса, натижаси албатта қувончли бўлади, – дейди Муҳаммаджон ота Эгамбердиев.

Саидакбар МҲМИНОВ.

МЕНИНГ УСТОЗИМ – ШОИР

Устозимиз Равшанбек Мадумаров Фарғона политехника институти кимё-технология факультети деканининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. У талабаларга сабоқ бериш, илмий изланишлар олиб бориш баробарида, ижод билан шуғулланади. Яқинда “Унутмоқ осонмас бизларни” номли китоби нашрдан чиқди.

**Илм қасрин тамал тошин қўйган элсан,
Замин узра маданият ёйган элсан,
Даҳоларга доясану, кичик феълсан,
Эзгуликнинг бешигисан, Ўзбекистон,
Сен тинчликнинг ошиғисан, Ўзбекистон!**

деб ёзади устоз “Ўзбекистон” номли шеърида. У киндик қони тўкилган жаннатмакон юртимизни юксак пафос билан таърифлар экан, қиш қаримай баҳор унга ошиқишини, қуёш уйғонибоқ бу ўлкани йўқлашини айтади. Меҳнаткаш, танти ўзбек халқини эса “Мурувватда ганимга ҳам нон синдирган” дея алқайди.

“Мен шоир эмасман” деб номланган шеърида, шоирлик юкини кўтариш, қаламга дард айтиш осон эмаслигини битади. Ижод жараёнини

**Гоҳо юрагимга тўлганда сиёх,
Сўзлар саралайман ойга ўғрилиб.**

**Гўёки саҳрода унгандай гиёҳ,
Сатрлар туғилар дардга йўғрилиб, –**
деб аюглатади. Ижод қилмасликни эса қуйидагича сўзлайди:

**Бас, етар, десаму, тутмасам қалам,
Бедардларнинг сафи биттага бойир.
Ёлғончи дунёга қилмайди алам,
Биттага камайса ёлғончи шоир.**

Равшанбек Мадумаровнинг самимий, дилтортар сўзлари аллақачон таниқли ҳофизлар хонишида қўшиқсеварлар қалбига кириб борган. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросидаги “Дилором”, “Фарғонада бир қиз бор”, “Рост экан”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Охунжон Мадалиев куйлаган “Унутмоқ осонмас бизларни” номли қўшиқлар сўзи устозимиз қаламига мансуб. Шунингдек, Қиличбек Тожиев, Отабек Муҳаммадзоҳид, Қиличбек Мадалиев, Ғайрат Усмонов, Музаффар Турсунов каби кўплаб эл суйган санъаткорлар Равшанбек Мадумаров шеърла-

рини қўшиққа айлантириб, халқимизга тақдим этиб келишмоқда.

Биз талабалар кимгадир ака, кимгадир дўст ва ажойиб суҳбатдош бўлган устозимиздан кўп нарсаларни ўрганиб келмоқдамиз. Олийгоҳ қошида ташкил этилган “Ёш қаламкаш” тўғараги иштирокчиси сифатида шуни айта оламани, мен Ватанни севишни, миллатни улуғлашни, адабиёт билан дўстлашишни Равшанбек Мадумаровдан ўргандим.

Моҳидил АБДУВАЛИЕВА,
Фарғона политехника институти талабаси.

**Қўштепа тумани, Болтақўл қишлоғи,
“Бўстон” МФЙ, Нокзор кўчасида жойлашган
“XOLMIRZAXOJI O'KTAMXON” МЧЖ номига берилган муҳр ва тамға йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС:
«Farg'ona haqiqati» va
«Ferganskaya pravda»
gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир:
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета “Полиграф-пресс” МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2042 нусxada чоп этилди.
Буортма №: 276. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:
150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.
Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 15.00.